

Қуддус “Ислом маданиятининг абадий пойтахти” деб эълон қилинди



11:32 / 03.12.2018 5577

Баҳрайн пойтахти Манамада бўлиб ўтган Ислом бирлиги ташкилотининг маданият вазирлари йиғилиши якунида Қуддус шаҳрини “Ислом маданиятининг абадий пойтахти” деб эълон қилиш бўйича қарор қабул қилинди. Бу ҳақда Туркиянинг Milligazete нашри хабар берди.

Хабарда айтилишича, йиғилишда шу билан бирга Қуддуснинг маданий меросини сақлаш учун халқаро ИсломиЙ таъминот дастури ҳам қабул қилинган.

Ислом, таълим, фан ва маданият ташкилоти (ISESCO) бош директори Абдулазиз ат-Тувейжрий қарорнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, Қуддус тақдири бўйича сўнгги пайтларда бўлиб ўтаётган воқеалардан анча

ташвишда эканини маълум қилган, деб хабар беради IQNA.

Қуддуснинг маданий ва исломий асосларини ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларга тўхталиб ўтган ISESCO Бош директори, фаластин халқи ва Ислом дунёсининг Қуддусдаги ҳақларини муҳофаза қилиш мақсадида ташкилотнинг аъзо давлатлари ҳамда халқаро жамоатчиликни бу масалада эътиборли бўлишга чақирган.

Islom.uz портали таҳририяти